

Йиғилиш

Фаолиятга назар

Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг 2016 йилнинг тўққиз ойи якунларига доир йиғилиши бўлиб ўтди. Бирлашма кенгаши раиси Эсон Ражабов ҳисобот даврида амалга оширилган ишлар тўғрисида маъруза қилди.

Қайд этилдики, тўққиз ой мобайнида фуқароларнинг ижтимоий меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги ишлар изчиллик билан давом эттирилиб, меҳнат-қашлардан тушган жами 506 та муурожаат кўриб чиқилди. Касаба уюшмаларига аъзолик афзалликлари юзасидан тартибот ишларини ташкил этиш мақсадида 1500 нафарга яқин кичик бизнес субъектлари раҳбарлари билан учрашув ўтказилиб, 12 минг нафарга яқин ходим касаба уюшма ҳимоясига олинди.

337 нафар талаба шартнома пулларининг бир қисми қопланди, 118 та корхона ва ташкилотда ёшларга касб сирларини ўргатаётган 202 нафар устоз-ҳодим рағбатлантирилди. Меҳнат муҳофазаси бўйича корхона ва ташкилотлар фаолиятини ўрганиш ҳақида аниқланган 972 та қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан иш берувчиларга 67 та тақдирнома киритилди, касаба уюшмалари аралашуви билан камчиликларнинг 823 таси барҳам топди.

кўрсатиш шохобчаларини ташкил этиш орқали коллеж битирувчилари учун 25 тадан янги иш ўрни яратиш бўйича манзилли дастурга кўра жойларда 350 та янги иш ўрни яратилди.

«Касаба уюшмалари — ҳарбийларга», «Касаба уюшмалари — аёлларга», «Касаба уюшмалари — фахрийларга», «Касаба уюшмалари — болаларга», «Касаба уюшмалари — ёшларга» акциялари орқали ҳарбий қисмларда маънавий-маърифий тадбирлар ташкил қилинди, меҳнати билан юртимиз равақига ҳисса қўшаётган рағбатлантирилди, республиканинг чекка туманларида яшовчи 337 нафар аёлга электр-маиший техника товарлари берилди, ижтимоий ҳимояга муҳтож, боқувчисини йўқотган, «Саховат» уйларида яшаётган аёллар, меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олинди. Шунингдек, 1695 нафар уруш қатнашчиси ва фронт орти фахрийларига байрам совғалари улашилди.



Ҳисобот даврида касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда 3534 нафар ишловчи ва уларнинг яқин қариндошлари имтиёзли равишда саломатлигини тикла-

ди. Ёғи оромгоҳларда режадаги 26440 нафар ўрнига 27135 нафар ўғил-қиз соғломлаштирилди.

Шунингдек, бирлашма кенгаши томонидан жамоатчилик билан алоқаларни мустаҳкамлаш, тизимга занонавий ахборот технологияларини жорий этиш соҳасидаги ишлар тизимли равишда олиб борилаётир.

Йиғилиш давомида кун тартибидagi бошқа масалалар ҳам танқидий-таҳлилий равишда кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири

Муносабат

Шу йилнинг 12 октябр куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тақдим этган «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунга ўзгаришлар киритиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни Сенат томонидан маъқулланди.

Халқаро меъёрларга мос

Маълумки, мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларида қасаба уюшмаларига алоҳида эътибор қаратилди. Соҳа фаолияти ривожланган даврларда тажрибали асосида ташкил этилди. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилда қабул қилинган «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунда қасаба уюшмалари ҳаракатининг тадрижий ривожланиши, ходимларнинг меҳнатга оид, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг самарали ҳимоясини таъминлаш масалалари мустаҳкамланди.

Ҳозирги пайтда биргина Андижон вилоятида қорхона ва ташкилотларнинг 557 минг 896 нафар ходими қасаба уюшмаларига жалб этилган. Бу катта куч, албатта. Аъзоларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари, ҳордиқ чиқариши, соғлигини тиклаши, фарзандларини оромгоҳларда дам олдирishi, маданий ва спорт тадбирлари уюштириши, энг муҳими, қорхона-ташкilotларда меҳнат қонунчилиги нормаларига амал қилиниши устидан жамоатчилик назорати йўлга қўйилган.

Шундай экан, Қонунга нега ўзгаришлар киритиш зарурати туғилди, деган табиий савол туғилади.

Шак-шубҳа йўқки, қасаба уюшмалари фаолиятини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, мамлакат ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаётида ҳал қилувчи куч бўлган меҳнатқашларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини янги босқичга кўтариш давр тақозасидир.

Кейинги йилларда мамлакатимизда эркин ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш масаласи долзарб аҳамият касб этапти. Бу соҳада фаолият олиб бораётган ҳамюртларимизни қўллаб-қувватлаш, зарур шарт-шароит ва имконият яратиш юзасидан қатор қонунлар, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Эндиликда мамлакат иқтисодий тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган хусусий сектордаги меҳнатқашларни қасаба уюшмаларига жалб этиш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий муҳофазасини кучайтириш каби жиҳатлар ҳам кун тартибига чиқди.

Янги Қонунда шу масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилиши таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони кўра, яқка тартибдаги тадбиркорларга уч нафаргача ишчи ёллаш ҳуқуқи берилганлиги инобатга олиниб, хусусий секторда меҳнат қилувчи шахсларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш самарадорлиги оширилди.

Соҳада ҳуқуқни қўллаш амалиёти, шу жумладан, миллий қонунчиликни ривожлантириш ва халқаро стандартларни имплементация қилиш истиқболлари назарда тутилган. Ходимларнинг алоҳида тоифалари, жумладан, яқка тартибдаги тадбиркорлар, хўнарамандлар ва бир мартали ишларда банд шахслар учун Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ бирлашиш эркинлигини кафолатлаш ҳам асосий ўзгаришлардан биридир. Қасаба уюшмаларини бошланғич ташкилот ташкил этмаган ҳолда муайян тармоқ ёки ҳудудда тузиш тартибининг жорий этилаётгани халқаро стандартлар ва хорижий давлатлар қонунчилиги тажрибасига мувофиқ келмоқда.

Янги қонун мамлакатдаги йирик жамоат ташкилоти фаолиятини замон талаблари асосида йўлга қўйишга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Ҳабибулло УСМОНОВ, Андижон вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси юридик бўлими мудири

Ўз касбининг моҳир эгалари



Соҳа ходимларига эҳтиром

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Ўқув марказида Соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан «Ўз касбининг моҳир эгалари» танлови голиблари тақдирланди.

Ҳамкасбларига ўрнат қўлаётган, турли соҳаларда жонқуярлиги ва фидокорона меҳнати билан юрт тараққиётига ҳисса қўшаётган ҳамюртларимизни рағбатлантиришга қаратилган мазкур танловнинг ташкилот ва муассасаларда меҳнат унумдорлигини ошириш, ходимларнинг ижодкорлик қобилиятини кашф этиш, «Устоз-шогирд» тамойилини ривожлантириш, ёш мутахассисларни тарбиялаш борасидаги аҳамияти ортиб бораётир.

Мазкур босқичда юртимизнинг барча ҳудудларидан сараланган 70 нафар номзод орасидан голибликка энг муносиб 14 нафар соҳа вакили танлаб олинди. Шундай маҳоратли касб эгаларидан бири бўлиши Динара Алиева Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт эндикринология маркази нейрорендикринология лабораториясининг катта илмий ходими сифатида фаолият юритмоқда.

— Мазкур танлов соҳа ходимлари орасида катта қизиқишга сабаб бўлмоқда. Янада самарали ишлашга рағбат уйғотиши, турли ҳудудлардан ташриф буюрган ҳамкасблар билан тажриба алмашишга имконият яратиши ҳақиқатан қувонарли ҳолат, — деди Динара Алиева.

— «Устоз кўрмачи шогирд ҳар мақома ёйғалар» деган пурмаёно нақл бор. Шундай экан, ёшларнинг ғайрат ва шишоатига тўғри йўналиш бера олиш, уларни ўз вақтида рағбатлантириш, иш ўргатиш — биз каби устозларнинг муҳим вазифаси. Танловда бу йўналишда хайрли ишларни амалга ошираётган соҳа вакиллари иштирок этаётгани кишини хурсанд қилади, — деди Қарши тиббиёт коллежи «Соғлом турмуш тарзи» фани ўқитувчиси Тўлқин Нодиров.

Кўтаринки ва байрамона руҳда ташкил этилган тадбирда голибларга диплом ҳамда эсдалик совғалари тақдим этилди.

Ўз мухбиримиз

Бандлик

Битирувчилар ишли бўлди

Мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллигига 25 та янги иш ўрни яратиш ташаббуси куйи қасаба уюшма ташкилотлари томонидан муваффақиятли амалга оширилмоқда. Хусусан, Самарқанд вилоятидаги транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси тизимидаги корхоналарда 17 та янги иш ўрни ташкил этилди.

Ўзбекистон қасаба уюшмаларининг VII қурултойи томонидан маъқулланган бу ташаббус ижросини таъминлаш мақсадида фикр-мулоҳаза ва таклифлар инобатга олиниб, тикувчилик, пайвандлаш, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ҳамда «Ландшафт дизайни» соҳасида иш ўринлари ташкил этишга қарор қилинди. Натижада, мазкур соҳалар бўйича меҳнат таълим олган ёшларга ўз ихтидорларини намойиш этишга имкон яратиб берилди. Жамоат ташкилоти жой ва маблағ борасида кўмак кўрсатиб турди.

Ҳозирда тикувчилик йўналишида Иштихон туманида анча танилиб қолган «Диёра» тивух ишлаб чиқариш корхонаси қасаба уюшмалари кўмагида ташкил этилиб, оёққа турди. Беш нафар тикувчи қизлар буюртма асосида фаолият кўрсатаётир.

— Иштихон қурилиш ва коммунал хўжалиги касб-хўнара коллежини тамомлаб, тадбиркорлик йўналишида ўзимни синаб кўриш ниятим бор эди, — дейди Диёра Маматова. — Қасаба уюшмалари кўмагида ўз фаолиятини йўлга қўйиб олдим. Ишчи қоржомалари, этак ва бошқа кундалик турмушда асқотадиган буюмлар ишлаб

чиқаришни ташкил этганмиз. Иш юритишда коллежда эгаллаган билимларимиз ва амалиётда олган кўникмаларимиз жуда асқотаётти.

Тумандаги қурилиш ва коммунал хўжалиги касб-хўнара коллежи қошида ҳам янги қорхона иш бошлади. Беш нафар коллеж битирувчисидан иборат жамоа металдан турли буюмлар тайёрламоқда. Қорхонада аҳолига техник хизмат кўрсатиш ишлари ҳам ташкил этилган. Замоноавий пайвандлаш ускунаси орқали турли метал буюмлар, стол-стуллар ишлаб чиқарилмоқда. Шунингдек, «2522» АЖ ДУКси қошида автомобилларга техник хизмат кўрсатиш кичик корхонаси ишлаб турибди.

Тизимда ташкил этилган барча қорхоналар фаолияти қасаба уюшмалари назоратида олиналган бўлиб, ташкилотимиз томонидан уларга ҳар томонлама кўмак кўрсатиб келинаётти.

Сирождин ИЗЗАТУЛЛАЕВ, Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари қасаба уюшмаси Самарқанд вилоят бирлашган кўмитаси раиси

Таҳлил



Шу йилнинг 23 сентябрда янги тахрирдаги «Меҳнатни муҳофазаси қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинди. Энг муҳим жиҳати шундаки, мазкур қонунда бугунгача қабул қилинган қонунлар ва халқаро меъёр талабларига мувофиқлаштирилиб, янги нормалар киритилди ва тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига тўсқинлик қилиши мумкин бўлган қонунлардан воз кечилди.

Янги тахрирдаги қонун билан жамоа умумий йиғилишида танишиб, бандма-банд ўрганишга киришдик. Таъкидлаш жоизки, қорхонамиз «Ўзавтосаноат» АК тизимидаги қорхоналар ўртасида аънавий ўтказиладиган «Қулай меҳнат шароитини яратиш, ишлаб чиқариш маданияти ва эстетикасини яхшилаш» кўрик-танловига қатор йиллардан бундан фаол қатнашиб, совринли ўринларни эгаллаб келади.

Меҳнат муҳофазаси

Мазкур қонунга биноан ҳодимларнинг вакиллик органи бўлиши қасаба уюшмаларининг ҳуқуқлари кенгайтирилиб, ходимлар соғлигини сақлаш, касбий ва умумий касалликлар олдини олиш чора-тадбирларини амалга ошириш, меҳнатни муҳофазаси қилиш баробарида, ҳодимнинг меҳнат фаолияти билан боғлиқ ҳолда юз берган ҳодиса ва ҳодим саломатлигининг бошқа хил зарарланиши олдини олишга иш берувчи ва ходимлар эътиборини кучайтириш, нормативларга амал қилиниши устидан жамоат назорати олиб борилишида ижтимоий шерикликни мустаҳкамлаб, муаммоларни ўрганган ҳолда унинг ечими юзасидан амалий чоралар кўриш белгилангани, айтиш мумкинки, фаолиятимизни янада юксак поғонага олиб чиқадиган бўлди.

Ходимлар меҳнати, ҳаёти ва соғлигини муҳофазаси қилиш масаласи қасаба уюшма фаолиятининг устувор вазифаларидан бири саналади. Шундан келиб чиқиб, иш ўринларининг меҳнат шароити бўйича аттестациясига алоҳида эътибор қаратилганми. Жорий йилнинг ўтган даврида қорхонамиздаги юзта иш жойи шаходатланганлиги ҳам бундан тасдиқлаб турибди.

Маълумки, жамоа шартномаси ўта муҳим локал ҳужжат бўлиб, унда қорхонадаги меҳнат муносабатларининг барча жиҳати қамраб олинган. Хусусан, 570 дан ортиқ киши меҳнат қилаётган жамоамизда ўтган йили меҳнат муҳофазаси, зарур меҳнат шароити яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Меҳнат мажбуриятларини бажариш жараёнида иш берувчининг

фуқаролик жавобгарлигини сугурталаш юзасидан ҳар йили сугурта компаниялари билан танлов асосида шартнома имзоланиши ҳам айни муддао бўлмоқда.

Меҳнатни муҳофазаси қилиш бўйича вакиллар фаолиятининг самарали ташкил этилиши иш берувчи томонидан ходимларга қулай меҳнат шароити яратилишида муҳим ўрин тутмоқда. Иш жойида ҳавфсиз ва қулай меҳнат шароити яратиш ҳамда уни назорат қилувчи уч босқичли маъмурий-жамоат назорати жорий қилинган. Жамоат назоратини амалга оширувчилар ёрдамчи хўжаликлар

лади. Меҳнат муҳофазаси, санитар-маиший шароитларини яхшилаш, соғломлаштириш тадбирлари олиб бориш, касб касаллиги ва бахтсиз ҳодисаларни ўрганиш бўйича йиллик режаларни ишлаб чиқишда фаол иштирок этади.

Ишчилар ҳар кун бепул иссиқ овқат, нуқолай шароитда ишловчилар учун бепул доривор озиқ-овқат, суг маҳсулотлари ва таркибидан пектин мавжуд маҳсулотлар билан таъминланган. Иш кунини сўнгиди душ қабул қилиш имконияти яратилган. Аёлларга дам олиш хоналари мавжуд. Барча зарур тиббиёт воситаларига эга тиб-

Тадбир

Янги қонун муҳокама қилинди

«Суваш» очик турдаги акционерлик жамиятида «Меҳнатни муҳофазаси қилиш тўғрисида»ги қонуннинг янги тахрири кенг муҳокама қилинди.

100 дан зиёд ходим иштирок этган тадбирда таъкидланганидек, янги тахрирдаги «Меҳнатни муҳофазаси қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни соҳага оид бошқа қонун ва меъёрий ҳужжатлар, халқаро талабларга мувофиқлаштирилиб, унга янги нормалар киритилди. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятига тўсқинлик қилиши мумкин бўлган нормалардан воз кечилди.

да меҳнатни муҳофазаси қилиш хизматларини ташкил этиш масалалари ҳамда хизматлар бозорининг профессионал иштирокчилари ҳам шартнома асосида шу ишлар билан шуғулланиши мумкинлиги қайд этилди.

Тадбир давомида мутахассислар иштирокчиларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди.

Равшан МАҲМАДАЛИЕВ, Тошкент шаҳар қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши Меҳнатни муҳофазаси қилиш бўлими мудири

ҳамда цех ишчилари орасида сайлаб олинади. Вакилларнинг қорхонада маъмурий-жамоатчилик назоратида иштироки меҳнат муҳофазаси соҳасида юзага келган камчиликларни ўз вақтида аниқлаб, бартараф этиш чораларини кўришга имкон бермоқда.

Қорхонада ҳавфсизлик техникаси ва меҳнат муҳофазаси бўлими ташкил этилган бўлиб, иш жойида меҳнат муҳофазаси ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари юзасидан ходимларга таништириш юзасидан йўриқномалар олиб борилади. Ишчиларнинг маҳсул кийим-бош, оёқ-кийим, шахсий ҳимоя воситалари, доривор озиқ-овқат билан таъминлангани мунтазам назорат остида. Шунингдек, бўлим меҳнат муҳофазаси масалалари бўйича қарор ва буйруқ намуналарини тайёр-

бий хизмат йўлга қўйилган бўлиб, барча цех ва ёрдамчи хўжаликлар шу тақдир бепул тиббий воситалар, боғловчи материаллар билан таъминланади.

Эътиборли томони, меҳнатни муҳофазаси қилиш юқорида қайд этилган қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида амал қилувчи, инсоннинг меҳнат жараёнидаги ҳавфсизлиги, сижат-саломатлиги ва иш қобилияти сақланишини таъминлашга қаратилган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена ва даволаш-профилактика тадбирлари ҳамда воситалари тизимидан иборат доимий фаолиятдаги меҳанизм ҳисобланади. Дарҳақиқат, ходимларни ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса, шикастланиш ва касб касалликларидан муҳофазаси қилиш энг долзарб масала-

«Оналари соғлом – болалари баркамол Ватан!» республика танловига

Умидлар албатта ушалади

Зулфияхон Тожилиева эл назарига тушган мураббийлардан бири. Фидойи устоз бу соҳада 40 йиллик тажрибага эга. У математика фанидан сабоқ бераётган Марғилон шаҳридаги 27-умумтаълим мактаби пешқадамлар сафида тилга олиниши ҳам бежиз эмас. Мактабда ҳар ҳафта математика фани бўйича очиқ машғулот ва турли тадбирлар йўлга қўйилгани айни муддао бўляпти. Ўқувчиларнинг кўпчилиги фан олимпиадаларида юқори натижаларни кўрсатиб, устознинг сабоқлари бесамар кетмаётганини амалда намойён этишяпти.



дорахон Жамолова, бир гуруҳ мутахассислар набирамни обдон синовдан ўтказишди. Бу қиз маҳоратини ҳали жаҳон сахналарига намойиш қилади, дейишди мамнуният билан. Ўтган йиллар давомида набирамнинг ютуқлари ҳам кўпайди, — дея Зулфияхон опа қўлидаги бир даста фахрий ёрлик ва дипломларга эътиборимизни тортди.

Робияхон Марғилон шаҳридаги 8-Болалар мусиқа ва санъат мактабидagi сабоқлар туфайли кўп қўлларни кўлга киритган. 2010 йилда болалар ижодиёти фестивали лауреати бўлди. Шу йили иштирокчи қизалоқ «Камал» болалар ташкилоти ташаббуси билан Наманган вилоятида ташкиллаштирилган «Аълочи ўқувчилар анжумани»да ҳам фаол қатнашди. «Орзуларим», «Дилдан куйлайман» танловларида ҳам биринчиликти эгаллаган. Шу боис шаҳардаги кўп қўл тантаналарда Робияхон бахли болалик, Ватан ҳақидаги кўшиқлари билан мунтазам қатнашиб туради. Таътилда ҳам тиним йўқ. Истеъдодли қиз қанда «Койно» болалар оромгоҳидаги фаол иштироки учун «Энг яхши кўшиқчи» деб топилди.

— Дастлабки сабоқларда тарбиямиздаги болаларнинг кўпчилигига санъатнинг машаққатли йўли, кўпроқ изланишлари зарурлигини ўқтираемиз. Робияхон мана шу йўлдаги қийинчиликлардан асло чўчигани йўқ. Унинг эришган муваффақиятлари сўзининг далили, — дейди фахр билан мусиқа ва санъат мактаби ўқитувчиси Илҳомжон Раҳматуллаев. — Истеъдодли ўқувчимизнинг астойдил интилишлари таҳсинга лойиқ. Бу интилишлар катта майдонлар сари ишончи қадам бўлиши аниқ.

Устоз таъкидлаганидек, Робияхоннинг мусиқага меҳри тобора ортиб бормоқда. У қўйлаган кўшиқлар роппа-росса 50 тага етибди. Мақом кўшиқлари ижро этиш, шу ёшида катта ашулаларни айтиш биров мушкул бўлиши табиий. Аммо Робияхон Исабеванинг қўйлашини тинглаб, бу фикримиз бир томонлама эканлигини англади. 2014 йилда болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўртасида бўлиб ўтган Муҳиддин Қори Ёқубов номидаги кўрик-танловда у Навоий газали билан айтиладиган «Айлағач» мумтоз таронасини катта маҳорат билан қўйлади. Робияхоннинг кучли хотираси, тоза диапазонли овози учун мақташгани ҳам шундан.

Унинг бетакорор овози билан сайқал топган кўшиқлар келажакда дунё сахналарида ҳам янграسا ажаб эмас.

Мадаминжон СОЛИЖОНОВ

Сайлов — 2016

Эркин сайлов ва ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш принциплари, ҳар бир шахснинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш бўйича конституциявий ҳуқуқи миллий давлатчилигимиз моделининг асосини ташкил этади. Бу Бош Қомусимизнинг 117-моддасида мустақамлаб кўйилган бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқиқа эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади.

Демократия кўзгуси

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонунларида сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда ошкораликни таъминлаш масалаларига оид нормаларга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, бу каби саъй-ҳаракатлар ўтган йилларда республика миқёсида ташкил этилган сайловларда тўлиқ ўзини оқлайди. Эришилган ютуқлар кенг жамоатчилик, кўпбаҳар хорижий кузатувчилар, шунингдек, нуфузли халқаро ташкилотлар, жумладан, БМТ, Европада Хавфсизлик ва

Ҳамкорлик Ташкилоти, Европада Кенгаши Парламент Ассамблеяси, МДХ, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти вакиллари томонидан алоҳида эътироф этилмоқда. Маълумки, Республика миқёсида 2016 йил 4 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови бўлиб ўтади. Ҳозирда Марказий сайлов комиссиясининг 2016 йил 9 сентябрдаги қарорига асосан ишлаб чиқилган Дастурда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида муайян ишлар олиб боришда.

Хусусан, Марказий сайлов комиссиясининг жорий йил 23 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиясининг шахсий таркибини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларида тузилган 14 та округ сайлов комиссиясининг шахсий таркиби тасдиқланди. Шундан келиб чиқиб, 9 кишидан иборат 5-Навоий округ сайлов комиссияси тузилиб, Навоий шаҳридаги «Фарход» маданият саройида ўз фаолиятини йўлга қўйди. Округ сайлов комиссиясининг иш режаси, комиссия аъзоларининг вазифалари белгилаб олинган. Сайлов округи жойлашган вилоятда комиссия аъзолари ишлайдиган хоналар моддий-техник жиҳозлар билан тўлиқ таъминланган. Шунингдек, округ сайлов комиссиясининг ҳузурда Матбуот маркази тузилиб, журналистлар учун брифинг ва матбуот анжуманлари ташкил этиб боришда.

«Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг «Сайлов олди ташвиқоти, Ўзбекистон Республикаси

4-Жиззах округ сайлов комиссияси таркибидagi мавжуд 466 та сайлов участкасида муҳим сиёсий тадбирга тайёргарлик кизгин кечмоқда.

Уюшқоқлик ва кўтаринкилик руҳида

Жиззах шаҳридаги педагогика касб-ҳунар коллежи биносида жойлашган 25-Қасоблик сайлов участкасида худуддаги 2995 нафар сайловчи овоз беришда иштирок этиши учун барча зарур шароитлар муҳайё этилган. Кенг, ёруғ ва шинам хона сиёсий адабиётлар, мамлакатимиз сиёсий партияларининг нашрлари билан бирга маҳаллий газеталар, тахлами, интернетга уланган компьютер жамланмаси, уяли алоқа тармоғи, нусха кўчириш ускунаси, теле-факс билан таъминланган. «Оналар ва болалар хонаси», «Тиббий ёрдам» хоналари сайловчиларни хизматига. Сайловчининг бугунги ҳаётий жараён билан тезкор танишиши учун махсус стенд ташкил этилган бўлиб, унда тезкор ахборотлар бериб боришда.

— Шаҳримиздаги энг намунали сайлов участкаси номига эга бўлиш учун жиддий интиляемиз, — дейди участка сайлов комиссияси раиси, Жиззах педагогика касб-ҳунар кол-

лежи бўлим бошлиғи Дилшод Тўхтаев. — Округ сайлов комиссияси билан мунтазам алоқада иш олиб боришни йўлга қўйганмиз. Марказий сайлов комиссиясининг «Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича участка сайлов комиссияси ишини самарали ташкил этиш юзасидан ўқув филмининг комиссия аъзолари билан томоша қилиб, ундаги йўл-йўриқларни пухта ўзлаштириб бораемиз. Овоз бериш қўтилари, махсус тайёрланган кабинетлар ҳозирлаб қўйилди. Сайловга кела олмайдиганлар учун кўма овоз бериш қўтилари ҳам тайёр ҳолда. Мухтасар қилиб айтганда, мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий тадбирни юксак уюшқоқлик ва кўтаринкилик билан ўтказишга ўз ҳиссасини қўшамиз.

Абдуманноп АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири

Президентлигига номзодлар ҳуқуқларининг кафолатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг ишончи вакиллари» бобида сайловолди ташвиқоти, уни олиб бориш турлари, шакллари ва усуллари, жумладан, сайловолди ташвиқотини ОАВ орқали олиб бориш тўғрисида алоҳида моддалар киритилган.

Муҳими, қонунчилигимизда сайловларни кўптартибийлик асосида, сайлов кампанияси жараёнига давлат ва ҳокимият тузилмаларини, жамоат бирлашмаларини аралашувисиз, ҳеч бир номзод ёки сайловчи алоҳида имтиёз ва преференциялар берилмасдан, тенглик тамойилига амал қилиб ўтказилиши учун мустақам ҳуқуқий асос яратилган.

Зеро, сайловни юксак даражада ташкил этиш ва уни ўтказиш барчамиз учун шарафдир. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов таъкидлаганидек, «Биз ҳаётида демократик принциплар чуқур илдириш отишини хоҳлаймиз. Бунда асосий эътиборни демократиянинг бош талаби — кишиларнинг ўз хоҳиш-иродасининг эркин билдирилишига, эркин сайловларга қаратиш лозим».

Ҳамидулла ҚАРЧИГАЕВ, 5-Навоий округ сайлов комиссияси Матбуот маркази раҳбари

Юксалиш

Мустақиллик билан тенгдош «Ҳамкор-банк» ўтган 25 йил давомида мижозлар учун жаҳон андозлари даражасида хизмат кўрсатувчи молия муассасаси сифатида наинки республика миқёсида, балки халқаро доирада ҳам тан олинди. Муҳими, «банк мижоз учун» деган тамойил устувор аҳамият касб этаётир.

Тараққиёт ва юксалиш пиллапожлари

Ривожланиш ва иш унумининг орттишида ходимларга яратилган шарт-шароитлар муҳим ўрин тутди, албатта. Ходимларнинг ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг асосий омил банда улар учун шароит ва қўлайликларни кенгайтириш, ижтимоий пакет ҳажми ва қўламини ошириш билан боғлиқдир. Айни пайтда бошланғич касба уюшма қўмитаси томонидан 756 нафар аъзонининг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари амалдаги жамоа шартомаси орқали ҳимоялаб келинмоқда.

Ходимлар ҳар йили чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилиб, харажатлар тўлиқ бошланғич касба уюшма қўмитаси ҳисобидан қопланмоқда. Аёлларнинг саломатликларини муҳофаза қилиш мақсадида улар учун рақс тўғраги ташкил этилган. Бундан ташқари, сузиш ҳавзаларига йўланмалар берилмоқда. Филиалларда ишдан бўш вақтларда ходимлар соғлиқларини тиклаш учун барча шарт-шароит яратилган.

Эътиборлиси, ходимларнинг малака ошириши ҳамда маънавий-маърифий ва маданий ишлар қўламини кенгайтириш, соғломлаштириш ишлари учун сарфланаётган маблағ микдори муттасил ортиб бораётир.

Нурилло НЎМОНОВ, «Ishonch» мухбири

Андижон вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши жамоаси Меҳнатқашларни ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири Тўлқунжон Сиддиқовга онаси ТЎТИХОН аянинг вафоти муносабати билан ҳамдардик билдиради.

лардан бири бўлиб, мазкур масалани ижобий ечиш учун, авваламбор, унинг ҳуқуқий манбаларини билиш зарур.

Турли мутахассислар томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш борасидаги ўз бурчларини қандай бажараётганликларини текшириш ички назоратнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Жумладан, касба уюшма ташкилоти ҳам шундай мақомга эга. Ички назорат, мулкчилик шаклидан қатъи назар, ҳар бир корхонада «Меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этиш тўғрисида намунавий низом» ва идоранинг тегиш-

га мувофиқ, аёллар эркаклар билан бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга ҳамда уларни амалга ошириш учун тенг имкониятларга эгадир. Аёллар шугулланиши мумкин бўлмаган барча иш турлари «Аёллар меҳнатидан фойдаланиш тўлиқ ёки қисман тақиқланган меҳнат шароити ноқулай ишлар рўйхати»да кўрсатилган.

Шунингдек, иш ўринларини билимдон ёш ходимлар билан таъминлаш, мутахассисликлари бўйича касбисини ошириш ва меҳнат фаолиятида қўллаб-қувватлаш, ижтимоий шерикликнинг

тож аҳолини, касб-ҳунар қоллажи битирувчиларига ишга жойлаштиришда кўмаклашиш ҳамда бу борада жамоатчилик назоратини ташкил этиш, ходимлар учун меҳнатга ҳақ тўлаш ва уни меъёрлаштиришнинг ижтимоий адолатли тизимини жорий этишга эътибор қаратиш лозим бўлади.

Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Савдо-саноат палатаси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид 2014 — 2016 йиллар учун тузилган Бош келишувда назарда тутилган долзарб масалалар қаторида:

- фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тизими билан иш берувчиларнинг тўлиқ қамраб олиниши;
- корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат муҳофазаси тадбирларини молиялаштириш;
- меҳнат шароитлари бўйича иш ўринларининг шохдоддан ўтказилиши каби масалаларга боғлиқ бўлаётган катта ўзгаришлардан бири ҳисобланади.

Хавфсиз меҳнат шароитини таъминлаш борасида корхона, ташкилот ва муассаса

маъмурияти ва касба уюшмалари томонидан амалга оширилаётган ишлар бунинг яққол далилидир.

Янги таҳрирдаги қонунда касба уюшмалари фаолиятига оид қўллаб-қувватлаш акс этган. Жумладан, меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларни бузганликда, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар фактларини яширганликда айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисидаги талаблар билан тегишли органларга муурожаат қилиш, меҳнат вазифасини бажариш билан боғлиқ ҳолда майиб бўлиши ёки соғлигининг бошқача тарзда шикастланиши туфайли отказилган зарарнинг ўрни қопланиши учун ҳамда ходимларнинг соғлиги ва меҳнати муҳофаза қилинишига бўлган ҳуқуқлари чеklangан бошқа ҳолларда ходимнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб судга муурожаат этиши мумкин. Бундан ташқари, меҳнатни муҳофаза қилишга оид қонун ҳужжатларида, жамоа шартнома ва келишувларида назарда тутилган мажбуриятлар бузилганлиги, шунингдек, меҳнат шароитларининг ўзгариши билан боғлиқ меҳнат низоларини кўриб чиқишда иштирок этиш сингари муҳим жиҳатлар ҳам қамраб олинган эътиборлидир.

Бир сўз билан айтганда, ходимга яратилаётган меҳнат шароитларини ижтимоий ҳамкорлар билан биргаликда профилактика қилиш орқали камчиликларнинг жойида бартараф этилишига эришиш бугун барчамизнинг бирламчи вазифамиз бўлмоғи баркор.

Шухрат ДЕҲҚОНОВ, «Жиззах аккумулятор заводи» акциядорлик жамияти касба уюшма қўмитаси раиси

Обод манзиллар



Чўлда янги гача ҳаёт

Қизилқум кенгликларига жойлашган «Жонгелди» ширкат ҳўжалиги вилоят марказидан 300 километрча олисда жойлашган. Ҳўжалик аъзоларининг мамлакатимиз қорақўлчилигини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси таҳсинга сазовор.

— Турмуш даражаси юксалиб бораётган қишлоқдошларимиз эртанги кунга янада катта умид боғлашмоқда, — дейди «Жонгелди» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси М.Қамолов. — Худуд аҳолисининг асосий қисмини ўзбек, қозоқ ва туркманлар ташкил этади. Барчамиз ягона оила фарзандларидек тинч-тотув, аҳил-иноқ яшаб келаямиз.

Истиқлол шарофати билан даштдаги қишлоқлар қиёвса тобора ўзгармоқда. Мактаб, тиббий муассасалар, кафе дўконлари, сервис хизматларидан аҳоли мамнун. Жонгелди қишлоғида ишга туширилган «Инерт тош материаллари» МЧЖда ишлаб чиқарилаётган қурилиш материаллар бунёдкорларга манзур бўлмоқда. Бу ерда меҳнат қилаётган ходимларнинг 50 нафарини қишлоқ ёшлари ташкил этади. Чўл шароити бўлсада, аҳоли томорқасида етиштираётган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг тури ва ҳажми йил сайин ортиб бормоқда. Экинзорларни оби-ҳаёт билан таъминлашда электр токи ёрдамида ишлайдиган ер ости қудуғи жуда қўл келаяпти.

Қишлоқ аҳолисининг асосий даромади қорвачилиқдан. Қарикки оиланинг бири Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган замонавий автомобилларга эга. Аҳиллик ва ҳамжамиятликда ташланаётган қадамлар янги зафарларга чорламоқда.

Ўз мухбиримиз


бош омил

ли ички қондалари асосида амалга оширилиши керак.

Ҳеч бир бахтсиз ҳодиса ёки касб касаллиги сабабсиз юзага келмайди. Бундай ҳолатлар замирида меҳнатга бўлган эътиборсизлик, лоқайдлик, ижро интизомининг сустлиги, меҳнат муҳофазаси маданияти ва касбий малака даражасининг саёзлиги каби иллатлар ётади.

Соғлом она ва бола йилида корхона, ташкилот ва муассасалар томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш, аёллар меҳнатига белгилашган имтиёзлар, меъёрий ҳужжатлар орқали ман этилган касбларда улар меҳнатидан фойдаланмаслик ва иш жойларида санитария-гигиена шароитларини яхшилаш тадбирлари ижроси янада кучайтирилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддаси-

шакл ва услубларини такомиллаштириш асосида ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга солиш самарадорлигини ошириш, меҳнатқашлар учун муносиб меҳнат шароитини яратиш алоҳида аҳамият касб этади. Шунингдек, ижтимоий ҳимояга му-



ОМОН БЎЛИНГ, МУШТАРИЙ

КУЗ ТАРОВАТИ



Икром ХАСАНОВ оғани суратлашди.

Тарихингдир минг асрлар...

Соҳибқирон сақлаган сир

Тарих — бугунни ўтмиш билан боғловчи восита, мустақкам кўприкдир. Унинг кўмагида минг йиллик тарихга эга маданият учқунлари қайта жонланади, аждодлар, қадим маданиятимиз ва урф-одатларимиз ҳақидаги тушунчаларни ўзлаштирамиз.


Тарағай қишлоғи. Бу жой Амир Темур ва унинг отаси Амир Тарағай номи билан бевосита боғлиқ. Ўзига хос табиати ва кўплаб тарихий воқеаларнинг гувоҳи бўлган ушбу тарихий маскан — Чирокчи туманининг Самарқанд вилоятига ёндош бўлган катта сойлик қисмида жойлашган. Кунчиқар ва кунботар томонлардан баланд қирлик ҳамда шимолдан улкан қорли тоғлар билан ўралган қишлоқнинг жануби Қалқама сув омбори билан чегараланади.

Қишлоқнинг айнан Тарағай деб номланиши бундан қарийб 700 йил олдинги воқеаларга бориб тақалади. XIV асрнинг бошларида Кеш вилоятида Амир Темурнинг аждодлари ҳокимлик қилган. Унинг отаси Тарағай Баҳодир эса барлос уруғининг оқсоқолларидан ҳамда Чингайи улусининг обрўли бекларидан ҳисобланиб, йилда бир маротаба Или дарёси бўйида хон томонидан қаҳриладиган эл-юрт бекларининг қурултойида муттасил иштирок этарди. Амир Тарағайга Кешнинг тоғли ҳудудларини назорат қилиш вазифаси юклатилгани ва инъом қилингани ҳам бежиз эмас. Бу даврларда тоғли ҳудудлар ўрмон ва чақалзор билан қопланган эди. Тарағай ҳудуди эса табиий ҳимоя ва атрофни назорат қилиш учун қўлай шароитга эга ва марказдан биров панароқ ҳудудда жойлашганлиги сабаб, Амир Тарағай айнан ушбу ҳудудда кичик қўрғон барпо қилиб, бу жойни ўзининг маънавий маркази билан айлантиради.

Маҳаллий аҳоли вакилларининг ривоятларга таяниб айтишича, Амир Темур бу ҳудудларни жуда яхши билган. У услирин йигитлик даврида тоғ-тошларда, қир-у адириларда от ўйнатиб, жанг қилиш сирларини ўзлаштирган. Яна айтишларича, Тарағай қишлоғи Амир Темурнинг улкан сирини ҳисобланган. У йигитлик чоғида (бу даврда мўғуллар зулми тобора авж олиб бораётган эди) бир гуруҳ дўстлари: Аббос Баҳодир, Жаҳоншоҳбек, Қимори Инос, Сулаймоншоҳбек, Идику Темур, Сайфуддинбек ва бошқалар билан душманнинг кичик-кичик гуруҳлари додини бериб юрган кезлари бу жойга кўп маротаба ташриф буюрган. Темурбек доимо икки ҳолатга: жангдан кейинги

ғалаба ёки мағлубиятга доим шай турган. Шунинг учун ўша вақтларда кичик жангларда кучлар нисбатининг камлиги сабаб ортага чекинишга тўғри келса, душман таъқибдан қўтилиш учун тўғри Тарағай қишлоғи томон йўл олган. Чунки у қишлоққа кириши биланок изсиз йўқоларди. На Темур жангчилари, на отларнинг изини топа олган рақиб қўшинлари доимо шу ердан ортага қайтишга мажбур бўлган. Саркарда ва унинг дўстлари, ҳатто отлари ҳам қишлоқнинг юқори қисмида жойлашган бўлиб, унинг ичкарига бир неча юз киши бемалол сиққан. Кейинчалик вақт ўтиши ва zilzila оқибатида гор оғзи анча қисқарган.

Ҳозирда бу ер Амир Темур гори деб аталиб, сайёҳларнинг сеvimли масканига айланган. Темур гориға олиб боровчи йўлни фақат маҳаллий аҳолига билади. Гор табиий равишда тош ва дарахтлар билан ҳимояланган, унинг оғзи тоғнинг бирон-бир жойидан кўринмайди. Пастликдан горғача бўлган масофа қарийб 6-7 километрни ташкил қилади. Гор ёнига борилгани билан унинг кириш жойи айнан қаер эканлигини билиб олиш қийин. Унинг ичкарига кирган киши 400-500 метргача саёхат қила олиши мумкин. Чунки қоронғулик ва сирпанчиқ йўлақлар ҳар қандай кишининг кўнглига ваҳима солиши турган гап. Гор ичи алоҳида-алоҳида қисмларга бўлиниб, биринчи кириш жойи(айвон)и тоғнинг тепароқ қисмида бўлиб, узунлиги 20-25 метр. Ундан ташқарига чиқилгач, бироз пастга тушилиб, горнинг асосий кириш жойига келинади. Бу ер бошқа жойлардан қаралганда деярли кўринмайди, аммо бу ердан



туриб атрофни бемалол кузатиш мумкин.

Темур горининг мўъжизакорлиги кишиларни ҳали-ҳануз ҳайратда солмоқда. Қолаверса, ушбу горнинг охиригача борилгани, йўқми, деган савол ҳануз жумбоқлигича қолаётир. Айтишларича, бу горнинг охиригача ҳеч ким бора олмаган.

Ўтган асрнинг 80-йилларида Санкт-Петербург шаҳридан ушбу қишлоққа келган горшунос олим, академик Ю.Виноградский таъминлаш мақсадида Бухоро вилоят қасаба уюшмаси билан бир неча йилдан буён корхона, ташкилот ва муассасалардаги меҳнатқашлар ўртасида ходимлар гимнастикаси йўлга қўйилган. Ушбу тадбирни янада такомиллаштириш, кенг тарғиб қилиш, жамоаларда ходимлар гимнастикаси билан мунтазам шуғулланишни таъминлаш мақсадида Бухоро вилоят қасаба уюшмаси билан бир неча йилдан буён спорт ишлари бўлими ташаббуси билан янги электрон дастур ишлаб чиқилди. Бадий гимнастика бўйича бир неча қарра Ўзбекистон ва Осиё чемпиони, Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳибаси Сарвина Холиқова ва томонидан тавсия этилган ва бажарилган машқлар видеоас-тириги туширилиб, электрон дастурга ўрнатилди.

Ушбу дастур тажриба сифатида қўлланилмоқда. Дастурга асосан ходимлар гимнастикаси вақти ҳар куни соат 11:00 ва 16:00 да белгиланган бўлиб, шу пайтда барча ходимларнинг компютерларида «Саломат бўлай деса» — шифо машқларининг афзаллигига ишонинг ва уларни бажаришга интилинг!» ёзуви пайдо бўлади. Булар қийин бўлмаган комплекс жисмоний машғу-

Ходимлар гимнастикаси

Машқлар — электрон дастурда

Соғлом турмуш тарзи ва жисмоний машқлар турли касалликларга чалинишдан асрайди. Айниқса, оддий гимнастика машқларини мунтазам равишда бажаришнинг саломатлигига нечоғлиқ фойдали эканини таъкидлашга ҳожат йўқ.

Шундан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон қасаба уюшмаси Федерацияси Кенгаши ташаббуси билан бир неча йилдан буён корхона, ташкилот ва муассасалардаги меҳнатқашлар ўртасида ходимлар гимнастикаси йўлга қўйилган. Ушбу тадбирни янада такомиллаштириш, кенг тарғиб қилиш, жамоаларда ходимлар гимнастикаси билан мунтазам шуғулланишни таъминлаш мақсадида Бухоро вилоят қасаба уюшмаси билан бир неча йилдан буён спорт ишлари бўлими ташаббуси билан янги электрон дастур ишлаб чиқилди. Бадий гимнастика бўйича бир неча қарра Ўзбекистон ва Осиё чемпиони, Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳибаси Сарвина Холиқова ва томонидан тавсия этилган ва бажарилган машқлар видеоас-тириги туширилиб, электрон дастурга ўрнатилди.

Ушбу дастур тажриба сифатида қўлланилмоқда. Дастурга асосан ходимлар гимнастикаси вақти ҳар куни соат 11:00 ва 16:00 да белгиланган бўлиб, шу пайтда барча ходимларнинг компютерларида «Саломат бўлай деса» — шифо машқларининг афзаллигига ишонинг ва уларни бажаришга интилинг!» ёзуви пайдо бўлади. Булар қийин бўлмаган комплекс жисмоний машғу-

лотлар бўлиб, ҳар куни иш вақти жараёнида ходимларнинг организм ҳолати яхшиланади ва фаоллики янада оширади. Машқлар иш жойида ва иш кийимида ўтказилишига мослаштирилган. Ҳар бир ходим видеоас-тиригидан машқларни биргаликда бажаради. Машқлар шундай навбатда жойлаштирилганки, улардан бири ишлаб чарчаган кўзга фойда келтирса, яна бири мушакларни ривожлантиради, бошқаси бўйин қисмида йиғилувчи тузларни парчалайди.

Ходимлар гимнастикаси бўйича яратилган янги электрон дастур вилоятдаги барча корхона, ташкилот ва муассасаларда йўлга қўйилгани эътиборга сазовор.

Иzzатулла ҲОЖИЕВ, «Ishonch» мухбири

Бекаларга маслаҳат

- Консервалаш учун ишлатиладиган шиша банка ва темир қопқоқларни яхши стериллаб олиш зарур. Эмал ва сопол идишлар фойдаланишдан аввал ош содаси эритмасида ювилиб, қайноқ сувда чайилади.
- Мева ва сабзавотлар консерваланганда 10-15 кун назоратда туриши шарт. Унинг ташқи кўринишига қараб сифати аниқланади.
- Агар консерваларда сал ўзгариш сезилса — қопқоғи кўтарилиб, ранги ўзгарса, уларни шу вақтнинг ўзида очиб керак. Консервадан ёқимсиз ҳид келиб, ранги хиралашса, ҳеч иккиланмай ташлаб юборинг.
- Палтонинг ёқаси кир бўлса, аввал сувда яхшилаб намлаб, сўнг новшадил спирти ботирилган чўтка билан ишқаланг. Кейин намланган дока билан икки-уч марта артинг. Дока қўйиб дазмонланг. Киридан асар ҳам қолмайди.

Коса тагида ним коса

Икки кўшни аёлни йўлакдаги суҳбат чўзилгандан чўзилиб... буткул бошқа мавзуга бурилиб кетди! — Вой ўргилай, шунинг илтимос қилманг мендан, барбир эсимдан чиқиб кетади. Мана, юқори қаватда турадиган Насибхон кўшним ўтган кун хуноб бўлиб, бизникига чиқди. «Чорсуда конфетлар жудаям қimmat эмиш», деди. Мен унга: «Ишхонамиз ёнидаги дўкнда арзонгина конфет бор, бугун уч кило олдим», дедим. Шунда «Менгаям обқелиб беринг», деса бўладими? Кичигининг тугилган кунини, дастурхонага конфет қўймаса бўлмасмиш. «Хўп, эртагаёқ олиб келаман», дедим. Шу денг, эртасига кечкурун ишдан қайтсам, эшигимиз ёнида кўшнимизнинг турли туриди. «Ёдимдан чиқарибман», дейишга уялиб, ўзимизга олган кечки конфетни кўлга тутқаздим-да, айланай. Нима қилай, хотирамнинг чатоқлиги панд берди...

Кимнинг хотираси яхши?

— Унақа деманг, кўшни, сиздан кўра хотираси чатоқлар ҳам бор. Кечки ҳафтада ўғлимнинг кундалиги ичига муаллимаси: «Синфга парда олишга пул йиғаямиз, сиз ҳам бериб юборинг», деб ёзибди. Маош олгандим, шу кунёқ пулни ўғлимга тутқаздим. Орадан тўрт-беш кун ўтди, ўғлимнинг кундалигини текшираётсам, яна муаллимасининг ёзуви: «Парданинг пулини қачон берасиз?». Ўғлимни койдим. «Пулни ўша кунёқ берувдим-ку, айтмадингми муаллимангга?» дедим. «Берувдим, шекилли...», дейди ўғлим ҳам. Қаранг, ёшгина бўлиб ҳаётдан эсини йўқотади. Кимга ишонай, ўғлимгами ё ўқитувчисига?!

— Ўғлингиз-ку кичик, уни кечирса бўлар. Лекин қап-қатта хотиннинг эси қаёқда. Шундай деймизу, ўзимиз ҳам гоҳо... Мана, мени олинг. «Дафтар олиб келинг», деган қизимга: «Дўкон ёпиқ экан», дейман. «Китоб олиб беринг», деган ўғлимга: «Китоб сотадиган жой таъмирда экан», деб баҳона қиламан. Ахир, кундузи иш билан овора бўлиб, буткул ёдимдан чиқариб-да. Бир кун роса қизардим денг. «Китоб сотадиган жой таъмирдан чиқдим, аяқон?» деб сўраб қолди ўғлим. «У ерни таъмирда деб ким айтиди сенга?» дебман. Буни қаранг, ўзим топаган баҳона ўзимнинг хаёлимдан кўтарилибди. Хотирам курсин?!

— Мен-чи, мен бошимизим топшириқ берса, нутиб қўйиб, нукул дашном эшитардим. Энди бўлса, ҳар бир топшириқни ён дафтаримга сўзма-сўз ёзиб оламан. Сўнг тайинланган ишларни битириш учун зарур қишлоққа бирма-бир кўнгириқ қиламан. Кўнгириқ рақамини тирайтиб ўша дафтарчадан кўз узмай тураман денг, тагин кимга кўнгириқ қилаётганимни нутиб қўймай деб...

— Сиз буни айтасиз, мен ҳар кун ишга кетаётиб, эшикни қуллаганимдан сўнг: «Газни ўчирдимми, йўқми?» деб ўйлаб қоламан. Кейин эшикни очиб ичигаги қираман, газ плитаси томон бир кўз ташлаб, хотирам бўлиб сўнг ишга кетаман. Қай бир кун ҳамхонам: «Бунақа овора бўлиб юргунча, газни ўчиртиб «Мана ўчирдим», деб овоз чиқариб айтсангиз бўлди, эсингизда қолади», деди. Ўша кун шу ишни қилдим денг. Лекин эшикни қулфлаб бўлгач, яна ўйланиб қолдим. «Газни ўчирдим», деб айтдимми, йўқми? Шунинг эслолмадим...

— Сиз хижолат бўлманг, кўшни. Мана, чет элларда буткул хотирани йўқотиш касали бор экан. Кимлиги, қачон тугилгани, ҳатто исминиям эслолмаскан улар. Худо шунақасидан асрасин. Ахир биз аёлларнинг бошимизда минг бир юмуш, хотирамиз ҳам ўзимизга ўшаб чарчайди. Лекин эркакларнинг хотираси хамина жойида.

— Қўйсангиз-чи, сизнингча, эркакларнинг хотираси жойида эканми? Сизникини билмадим, бизнинг хўжайин ҳар гал: «Дам олиш кунини ташкарига тушамиз, онаси», дейди. Вақти келганда эсимга солсам: «Э, бугун чойхона паловга ваъда бериб кўнгиридим-ку, театр ёддан чиқибди, аттанг», дея хижолат чекади. Тунов кунини: «Неча вақтдан бери «Чимилдик» олиб кирмадингиз-ку», десам, «Чимилдикка бир марта кирганинг етмайди!» деб ҳазилга олади. «Бу сафар алдоломайсиз, шу яқинида театрда кўнгириқ оларсиз», дедим. «Хўп, хўп», деб ишга кетди. Орадан бир кун ўтиб эрталаб шимларини дазмонлаб, дастурмолини алмаштирай десам, чўнтагидан учта театр билети илашиб чиқди. «Хўп, манави билетлар кимга эди?» дедим. Хўжайин пешонасига «шап» этиб урди. «Сизларга олудим бу билетларни, кеча айтиш ёдимдан чиқибди-ку», дейди.

— Бу хотира дегани ўтмаслаша ёмон-да. Тунов кун телевидорда бир олим айтиди. Ҳар кун уч маҳал эллик граммдан киши-миш ейилса, хотира яхшиланаркан.

— Ростданми, уч маҳал эллик граммдан дедингизми? Тўхтанг, ёзиб олай. Қани менинг ружкам? Вой, мен ўлмасам!

— Ха, нима бўлди?

— Сумкам идорада қолди...

Гулчехра ЖАМИЛОВА

Саламова Барно Тоштемировна номига берилган Тошкент шаҳри Олмазор тумани ТашГУ-ТашПИ массиви 6-й, 5-хонадоннинг ер кадастр ҳужжати ва уй дафтари йўқолгани сабабли бекор қилинади.

MUASSIS:



Bosh muharrir:

Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati:

Abdulaziz Abdullayev, To'lg'in Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanariyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshev

BO'LIMLAR:

Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e'lonlar — 256-87-73

Manzillimiz:

100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Soluvda erkin narxda.

*Ishonchdan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

HUUDUDLARDAGI MUXBIRLAR:

Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-91) 943-67-44
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Navoiy — (+998-93) 314-13-03
Samarqand — (+998-97) 915-50-87
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55
Surxondaryo — (+998-91) 233-69-07
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir:

A.Abdullayev
Navbatchi: J.Ergashev
Musahhirlar: S.Shodiyeva
Sahifalovchi: H.Abdullayev

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida chop etiladi.

Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.
Gazeta o'zbek usulida, A2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma tabaq. Buyurtma T — 1115. 13695 nusxada bosildi. Nashr ko'rsatkichi: 133.
Tahririyat xisob raqami: 2021 0000 0004 3052 7001, ATIS «Innoteka Bank» Yashnobd filiali, bank kodi: 00959, STIR: 201133889, OKNCH: 87100

Boshiga topshirish vaqti — 20:50
Topshirildi — 22:30

1 2 4 4 5 6



2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.